Оила ва жамият
Oila va jamiyat
12 сон
20 — 26 март 2002 йил
Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган
Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

# Наврўзи олам муборак!



*Санталат СИДДИҚОВА ҳар йили Наврўз айёмида сумалак пишириб, ёру дўстларига тарқатади.*

*Суратда: Санталат опа сумалак пиширишдан олдин ундирилган буғдой майсасини кўз-кўз қилмоқда.*

## ҚАЛБИ БАҲОР АЁЛ

Баҳор дунёни яшилликка буркаган айёмда дилимизга яна чексиз сурур ва завқ инади. Яшариш саодати одамларни эзгуликка ундайди. Менинг кўз олдимга эса ҳар баҳор, Наврўз оқшомида ҳовлисига қўни-қўшниларини йиғиб сумалак тайёрлаётган Санталат опа келаверади. Қалби баҳор бу аёлнинг ўзи бир оламу қилаётган ишлари бир олам. Халқ қўшиқларини излаб топади, қайтадан куйга солиб айтади, ноёб буюмларни йиғади. Кези келса, машина ҳам ҳайдаб кетаверади.

Санталат опа Сиддиқова ярим асрдан буён қадимий, уй-рўзғор буюмларини тўплайди. Уларни вақти келиб дунёга кўз-кўз қилишни орзу қилади. Германия, Польша, Болгария, Франция мамлакатларида бўлганида уларнинг фольклор қўшиқлари билан ҳам қизиқди. 1994 йилда "Камалак" оилавий фольклор дастаси билан Туркия ва Эронда бўлишганида ўзбек халқининг бетакрор санъати дурдоналарини намойиш этишиб 1-ўринни олиб қайтишди.

Санталат опанинг қилаётган ишларини кўриб ҳайратга тушасиз. Кўпчилик бу ёшда ўғил-қизлар, набиралар даврасида тинчгина ўтиришни афзал кўради. Лекин бир умр шофёрлик касбида ишлаган Санталат опанинг қизғин иш фаолияти эса пенсияга чиққанидан кейин бошланди. Ҳаёт мазмуни бойиди, элимизга янада кўпроқ танилди. У бир аёл ҳавас қилгудек бахт билан яшаб 14 нафар фарзандини ажойиб инсонлар қилиб тарбиялади. Элу-юртга қўшди. Ҳар бирига ҳаётда ўз ўрнини топиши учун ёрдам берди. Мана ҳозир 52 нафар ширин-шакар набираларининг меҳрибон бувижониси бўлди. Эварагинасини суйиб қувонди. Дунёдаги ҳар бир она учун фарзандларининг бахтидан устун бойлик бўлмаса керак. Уларнинг бахту-саодати онанинг кўнглига хотиржамлик, кўзига нур, юрагига қувват бахш этди. Опага эса шуларнинг бари насиб этди. Бугун унинг катта хонадонидаги 8 нафар ой келинлари Санталат опадек дилкаш қайноналарининг атрофида парвона. Куёвлари ҳам иззат-ҳурмат қилишади.

Санталат опанинг уйи ҳамиша гавжум. У йиллар давомида йиғиб терган нодир буюмларини одамлар кўриши учун ўз уйида музей очди. Уни "Санталат" уй-музейи дейишади. Кун бўйи музейга келиб-кетгувчилар орасида хорижликлар ҳам бор. Улар Санталат опа йиққан бу осори-атиқаларни ҳайрат ила томоша қилишади. Бу ҳам бир савоб иш-да. Нодир буюмлар йўқолиб кетмайди. Авайлаб сақланади. Бу ерда икки мингдан ортиқ буюмлар кўргазмага қўйилган. Бетакрор нақшлари товланаётган ойдек мис баркашни қўлимда айлантириб томоша қиламан. Кўзларим яшнайди. Ҳайратимни кўрган Санталат опа эса изоҳ беради:

- Қадимда ҳам халқимизда шундай ажойиб ҳунармандлар бўлганлигидан қувонаман. Сиз кўриб турган музейимизда VIII асрдан то шу кунгача бўлган кўплаб ноёб буюмларни йиққанман. Шуларнинг ичида ўзимнинг момоларим тиккан товус нусха палаклар, гулкўрпалар ҳам бор. Қаерда нодир буюмларни кўриб қолсам, сотиб олмагунимча тинчимайман. Ахир кўҳна буюмларимизнинг қадрини ҳамма ҳам тушунавермайди-да. Отам, у кишини Қори ака дейишарди, онам Норбуви билан биргаликда шундай ноёб асбобларни йиғишган экан. Кейин эса мен давом эттирганман. Шулардан 100 донасини Тошкентдаги Темурийлар тарихи Давлат музейига совға қилдим. Шукр, дилимдаги нимаики ниятим бўлса ҳаммаси руёбга чиқди. Айниқса, ҳукуматимиз томонидан "Шуҳрат" медали билан тақдирланганимда кўзларимга ёш қалқиди. Бундай эъзоз учун шукроналар қилдим.

«Боғистон» маҳалласидаги ҳар бир йиғин, "Сумалак сайли", "Наврўз" байрамлари Санталат опа ва у раҳбарлик қилаётган "Камалак" фольклор дастасисиз ўтмайди. Уларнинг ўзига хос "Келин салом", "Ёр-ёр", "Алла" қўшиқларини ҳар қандай тантаналарда олқиш билан кутиб олишади. Санталат опанинг ёнидаги Қумри ая, Машҳура аялар биргаликда чилдирмани гумбирлатишаркан дилингизга адоқсиз завқ тўлаётганини ҳис этасиз. Уларнинг қўшиқларидан ҳам гулларнинг бўйи келаётгандек...

**Гулим кетди, қўлимдан**
**булбулим кетди,**
**Айтинглар сайроқ**
**булбулим қайга кетди?**

- дея лапарларни-лапарларга улашаркан давраларга файз, борлиққа жон киргандек туюлаверади.

Санталат опа «Қарияларни қадрлаш йили»нинг Наврўз оқшомида ҳам баҳорнинг энг тансиқ таоми бўлмиш сумалак тайёрлаш тараддудида. Қадриятларимизни қадрлайдиган Санталат опага эса бу байрам янада қадрли, янада суюк... Байрамларимиз ҳам шундай инсонлар билан гўзал аслида. Шуларни ёзарканман, мўътабар қарияларимиз, мукаррама пари момоларимиз бор юртимизда удумларимизни эъзозлаб яшаётган юртдошларимизга таъзим қилгим келди. Ҳар йили баҳорни кўриш бахти ҳаммамизга насиб этишини Оллоҳдан сўрадим.

**Басира САЙИДАЛИЕВА**

## БАРАКА, ОҚИБАТ, БАЙРАМ АССАЛОМ!

**Ўлкамда баҳорий насим кезади,**
**Ҳисларим тулпордек жилов узади.**
**Кўксимда сархуш бир туйғу сузади —**
**Наврўз нафаси бу, Наврўз хислати!**

**Қуёш келинчакнинг кулгичи мисол,**
**Қизлар сирғасидек тиллоранг ҳилол.**
**Кўз очган булоқлар шивирлар зилол —**
**Наврўз нафаси бу, Наврўз хислати!**

**Бўй етган қизларнинг табассумидек,**
**Замин гўзал эрур, беғубор фалак.**
**Нега энтикмасин бу ташна юрак —**
**Наврўз нафаси бу, Наврўз хислати!**

**Кўҳна Туронимни этиб ёш-кўҳлик,**
**Қадим Наврўз қадам ташлар шукуҳлик.**
**Севинч, наво, кулгу, тўкинлик-тўқлик —**
**Наврўз нафаси бу, Наврўз хислати!**

**Азал аждодлардан мерос байрамим,**
**Замин тожидаги олмос байрамим.**
**Ўзбегимга ўзлик ва хос байрамим —**
**Наврўз нафаси бу, Наврўз хислати!**

**Мустақил юрт узра Туғродек азиз,**
**Элим рамзидаги Хумодек азиз.**
**Мадҳиям куйланган наводек азиз —**
**Наврўз нафаси бу, Наврўз хислати!**

**Замон тургунича туришинг гўзал,**
**Олам кезиб дадил юришинг гўзал.**
**Барчани тенгу бир кўришинг гўзал —**
**Хуш келдинг, Наврўзи олам ассалом,**
**Барака, Оқибат, Байрам ассалом!**

**Дилмурод САЙЙИД**
**Тошкент шаҳри**

## ЕРУ КЎКНИ ГУЛГА ЎРАБ ЯШНАТАР КЎКЛАМ...

**Баҳор, бунча чиройингга шайдо қилурсан,**
**Йўқдан ажаб мўъжизалар пайдо қилурсан.**
**Ҳар юракда ишқ ўтини барпо қилурсан,**
**Дуога қўл очаётир муштипар онам —**
**Хуш келибсан, салом сенга Наврўзи олам!**
**Аждодларим қутлаб ўтган азиз айём бу,**
**Хур Истиқлол қайтиб берган буюк инъом бу.**
**Умрим бўйи шарафласам мангу илҳом бу,**
**То ҳаётман, мадҳинг ёзиб куйлайман мен ҳам —**
**Хуш келибсан, салом сенга Наврўзи олам!**
**Ирмоқларда шилдир-шилдир сувлар оққайдир,**
**Бобо қуёш ўрикларда чақмоқ чаққайдир.**
**Бинафшанинг атри билан тонглар отгайдир,**
**Еру-кўкни гулга ўраб яшнатар кўклам —**
**Хуш келибсан, салом сенга Наврўзи олам!**
**Авжи кўклам рақсга тушар ҳислар туғёни,**
**Наволарга тўлиб кетар юртнинг ҳар ёни.**
**Шундай кунга етганларнинг йўқдир армони,**
**Олам-олам орзуларга йўлдошсан бу дам —**
**Хуш келибсан, салом сенга Наврўзи олам!**
**Тонгда туриб ҳар майсанинг умрин тилайман,**
**Бойчечакка сирдош бўлиб кўнгил сўрайман.**
**Қалдирғочнинг парвозига парвоз улайман,**
**Кўзларида ҳайрат тўла югурар болам —**
**Хуш келибсан, салом сенга Наврўзи олам!**
**Бу кун тошқин дарё бўлиб денгизга етдим,**
**Ўрикнинг оқ гулларидай очилиб кетдим.**
**Ўзбекистон баҳорига қўшиқлар битдим,**
**Илҳом бериб менга ўзинг тутқаздинг қалам —**
**Хуш келибсан, салом сенга Наврўзи олам!**

**Гулчеҳра ХЎЖАНОВА**

# ИЗЗАТЛИ, ИБРАТЛИ УМР



Ҳозирда ёши тўқсон бешларга бориб қолган Меҳринисо ая, аёл боши билан тўрт фарзандга (улардан бири бевақт оламдан ўтган) ҳам оталик, ҳам оналик қилди. Умрининг гул фасли бўлмиш ёшлигида не юмушларни бажармади: ёз чилласида далада кетмон чопди, тизза бўйи лой кечиб эгат оралади. Қиш чилласи иссиқхоналарда меҳнат қилди. Ўғлонлари ҳам она орзу қилганидек эл-юрт корига ярайдиган фарзандлар бўлиб вояга етдилар. Катта фарзанди Акмалжон ували-жували бўлиб, 67 баҳорни қаршилаш арафасида. Ўртанчаси Анваржон 63 ёшда. Кенжаси Асроржон яқинда олтмиш ёшни нишонлайди. Асроржон она изидан бориб ерга меҳр қўйди. Тошкент туман, "Ҳасанбой" номидаги ширкат хўжалигидан ер олиб, тадбиркорлик қилмоқда. Меҳринисо ая эса ҳамон ўз ўғлининг маслаҳатчиси. Ҳар куни саҳарда иссиқхоналарни бирма-бир айланиб чиқади.

Маҳалла-кўйнинг йиғинлари бу табаррук онахонсиз ўтмайди. Анжуманларнинг тўри уники. Унинг ибратли, жасоратли умр йўли ёшларга ўрнак бўлмоқда.

**Суратда: Меҳринисо ая фарзандлари қуршовида.**

**М. ПАРПИХЎЖАЕВ**

**2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили**

# ҚУТ-БАРАКА ТИЛАЙМАН



Чолим раҳматли Меликўзи етмиш ёшгача қора ер фарзанди бўлиб ўтди. Меҳнат ва яна ҳалол меҳнат туфайли бригада етакчиси, ҳосилот, хўжалик раиси даражасигача кўтарилди. Чўл-кампир даштда, тош устида чигит ундириб пахта етиштирдик. Юрт учун қоматимизни дол қилиб, бир коса ошимизни ҳалол қилиб ичганмиз.

Қайнонам Мухторой ая, қайнотам Иброҳимжон отанинг оқ фотиҳасини олдик. Сўнгги нафасларида ҳам хизматимиздан миннатдор бўлиб дуо қилганлар. Беш фарзандим — Мухторжон, Муроджон, Зафаржон, Мавлудахон ва Оминахонлар турли соҳаларда меҳнат қилмоқдалар. Ўрмонжон ўғлим уч фарзандли бўлганда 40 ёшида вафот этди. Унинг уч қиз, уч ўғлини ўзим уйли-жойли қилдим. Келинларим — Муаззамхон, Одинахон, Тожихонлар мени эъзозлашади. Ўтаётган умримнинг ҳар дақиқасидан мамнунман.

Тилагим — Наврўзи олам ҳар бир хонадонга қут-барака, тинчлик, хотиржамлик бахш этсин.

*Ўзбекистон туманлик 80 ёшли Инобатхон ХОЛМАТОВА сўзларини*

**Мухтор БЕК ёзиб олди**

# БАХТИМИЗГА КЎЗ ТЕГМАСИН

Онамизнинг бағрида талашиб-тортишиб, уришиб-ярашиб катта бўлган тўрт қизалоқ, бугун тўртта хонадонга бош, набираларга буви бўлиб ўтирибмиз. Меҳру муҳаббатдан, оқибат ва иймондан айирмасин илойим. Қизу келинлар, ўғилларимиз бўлса-да, ҳозир ҳам бир-биримизнинг иссиқ-совуғимиздан тез-тез хабардор бўлиб турамиз.

Катта опам Маъсудахон 80 ёшда, турмуш ўртоқлари Ҳасанбой ота 90 ёшни қоралаб қолдилар.

Бир-биридан ширин набираларнинг севимли бувижониси Мастурахон опам эса 75 ёшга тўладилар.

Қутбиниса опам узоқ йиллар Машинасозлик заводида ишладилар. Ҳозир 68 ёшдалар.

Опаларимнинг ичида энг кайвониси — Зулфия опам. Қайноналарининг таълимтарбиясини олиб, улардан сўнг ўзлари тўрт овсинга бош-қош бўлиб, қайноналик қилганлар. Барча тўй-ҳашам, маъракалар уларсиз ўтмайди. Бизни кўрганлар ҳам: "Вой, сиз Зулфияхонни опаларимисиз? Сингилларимисиз?" деганларида ғурурланиб кетамиз.

Ўзим 59 ёшдан ўтдим. Турмуш ўртоғим вафотидан кейин 2 ўғил, бир қизни вояга етказдим. Менга доим опа-сингилларим елкадош, қувват бўлиб келишди. Уларнинг борлиги менга катта бойлик.

Фарзандларим орқасидан қуда-андалик бўлдим. Ҳамид ака, Насибахон ва Олимжон ака ва Рихсиниса қудамлар билан ҳам муносабатимиз ҳавас қилса арзигудек.

Мен хонадонларимизга ризқ-рўз, қутбарака олиб келадиган Наврўзи олам айёми арафасида яқинларимнинг барчасига олам-олам қувонч тилайман.

**Матлуба ЭРГАШЕВА**

**Дўмбиробод мавзеси**

# МЕҲРУ САХОВАТИМИЗ — БОЛАЛАРГА!

14 март куни Ўзбекистон Болалар жамғармасининг навбатдаги Пленуми бўлиб ўтди.

Пленумда "Ўзбекистон Болалар жамғармасининг 2001 йилдаги иш фаолияти ҳақида"ги масала муҳокама этилди. Мазкур масала юзасидан Республика Болалар жамғармасининг раиси Инқилоб Юсупова маъруза қилди. Маърузачи Ўзбекистон Болалар жамғармаси ва унинг вилоят бўлимлари томонидан кам таъминланган, серфарзанд, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари, "Соғлом авлод", "Она ва бола" Давлат дастурлари бажарилиш ишлари кучайтирилганлиги, болалар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида бутун жаҳон бўйлаб ўтказилган "Болаларга "Ҳа" денг!" Халқаро ҳаракатида фаол иштирок этилганлиги, қийин аҳволда қолган болалар ва ўсмирлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида халқаро ташкилотлар билан биргаликда "Меҳр таянчи" Тошкент шаҳар маркази ташкил этилганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, анжуман якунида болалар ҳуқуқлари ҳақидаги Конвенцияни ўрганиш, болалар интеллектуал савиясини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш бўйича ўқув-семинар машғулоти ўтказилди.

**Ҳ. ҲОТАМБОЕВА**

# ЭКРАНДА ХАЛҚ ШОИРИ

2002 йил 15 март куни Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон қаҳрамони Абдулла Ориповнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган ҳужжатли фильмнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Маросимда республикамизнинг кўзга кўринган етук шоирлари, ёзувчилари, олимлари, давлат арбоблари, шоирнинг оила аъзолари ҳамда турли вилоятлардан ташриф буюрган мухлислари ҳам иштирок этишди. Фильм рангли тасвирда шоир туғилиб ўсган она қишлоғида суратга олинган. Фильмда шоирнинг турли даврларда ёзилган шеърлари, ҳаётий мулоҳазалари, яқин жигарларининг, устозларининг дил сўзлари ўрин олган. Шоир Муҳаммад Али фильмдан олган таассуротларини қуйидагича изоҳлади:

- Фильм менга жуда ёқди. Ҳатто шоирнинг шеърларидан таъсирланиб кўзларимга ёш ҳам қалқиб кетди. Бу фильмни олийгоҳ, коллеж, мактаб экранларида намойиш этиш лозим. Токи ёш авлод шундай шоири борлиги билан ғурурланиш ҳиссини туйсин, унга эргашиш истаги туғилсин қалбида.

**Т. НОРИМОВ**

**АХБОРОТ**

# АЁЛ БИЛАН ОЛАМ МУНАВВАР

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси бошқарувининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова бошқарди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, "Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарорларининг хотин-қизлар қўмиталари томонидан бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг Раёсат йиғилиши ҳам бўлиб ўтди. Унда "Қизларни турмушга тайёрлаш дастури"нинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмиталари томонидан амалга оширилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Оилавий тантаналар, тўйҳашамлар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисида"ги Фармонини амалга ошириш юзасидан Сирдарё ва Фарғона вилоят хотин-қизлар қўмиталарининг фаолияти муҳокама этилди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ҳ. ТЎЙЧИЕВ**

**Баҳор илҳомлари**

## ТИЛАК

**"Қиш ҳам чиқди, бу ёғи баҳор,**
**Кўкка етдик, Худога шукр".**
**Инсоният яралибдики,**
**Ҳар Наврўзда тилаги шудир.**
**Эшитганим болалик чоғда,**
**Ҳеч ёдимдан чиқмайди бир сўз:**
**"Кимки ният қилса, чин дилдан,**
**Инобатга олармиш Наврўз".**
**Тилак қилдим, баҳоли қудрат,**
**Тўкис бўлсин бундан-да ризқ-рўз.**
**Элга тинчлик, меҳр-оқибат,**
**Бахт келтирсин бу йилги Наврўз.**
**Тилак яхши, ният ярим мол,**
**Нияти пок бўлсин ҳар кимнинг.**
**Юртим, сенинг ҳар кунинг Наврўз,**
**Ҳар дами хуш бўлсин, халқимнинг.**

* * *

**Баҳор. Чошгоҳ бўлар-бўлмасдан,**
**Қуёш юзи кетаяпти исиб.**
**Чол ятагин ечиб қўяркан,**
**Кампирга дер: "Кетаяпман қизиб".**
**Кампири жим, ботган хаёлга,**
**Урчуқчаси гир-гир айланар.**
**Кампирининг ажинли юзи,**
**Чол наздида ойдай товланар.**
**Ёнбошлару, ётолмайди чол,**
**Босиб кела бошлайди ўйлар.**
**Ташқарида қий-чув қилишиб,**
**Набиралар хаёлин бўлар.**
**Уйқу келмас, қўзғалади чол,**
**Ташқарига чиқар инқиллаб.**
**Баҳор гўзал... Чолнинг юраги,**
**Беихтиёр кетади гуллаб...**

**Тоҳир НОРИМОВ**

## СЕНГА ҲАМ ЕТМОҚ ОСОНМАС...

**Қўқон томонлардан шамоллар келар,**
**Бодом гулларига ёйиб рўмолин.**
**Деҳқон қўлларига тутқазиб аста,**
**Тириклик аталмиш ҳаёт туморин.**
**О, мунча ҳам гўзал бу саҳар,**
**Мен сени жуда ҳам соғиндим баҳор.**
**Онам йўлларимга чиқиб тургандир,**
**"Шу баҳор келади болам",- деб яна.**
**Мен эса боролмай соғинчда ҳамон,**
**Болам қўйвормайди оёғим она!!!**
**Мунчаям мунғайиб боқасан менга,**
**Онамдай жуда ҳам яхшисан баҳор.**
**Баҳорим, сенга ҳам етмоқ осонмас,**
**Ўтли сатрларни битмоқ осонмас.**
**Асрагил кўнгиллар уйини ҳар дам,**
**Дилни бир ғам босса кетмоқ осонмас.**
**Минг йилки сен шундай ўктам бўл баҳор,**
**Ҳамиша онамдай гўзал бўл баҳор.**

**Нигора ЙЎЛДОШ**

# ҚАРИЯЛАР — ЭЪЗОЗДА

Наврўз байрами арафасида "Нуронийлар оромгоҳи" дам олиш масканидаги қарияларнинг қувончи чексиз бўлди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси "Қарияларни қадрлаш йили" муносабати билан "Нуронийлар оромгоҳи" дам олиш масканига "Дамас" автомашинасини тақдим этди. Автомашина калитини Тошкент шаҳар ҳокимлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси раисининг ўринбосари Омонулла Иноғомов топширди. Тадбирда республика Нуроний жамғармаси қошидаги хотин-қизлар гуруҳи аъзолари ҳам қатнашиб, шодиёнига янада файз киритди. Гуруҳ раиси Хосият Ёқубжонова маъруза қилди.

Шундан сўнг гуруҳ аъзолари дил сўзлари билан биргаликда қарияларга катта концерт гулдастасини ҳам тақдим этишди.

**Ўз мухбиримиз**

# КИТОБГА МЕҲР УЙҒОТИНГ

**Тарбия соати**

"Тарбия китобдан бошланади", деган гап бежиз айтилмаган. Зеро боланинг келажаги китобга бўлган ҳурмат ва китобни ардоқлашдан шаклланади. Аммо, ҳар қачон ҳам бу нақлга амал қилавермаймиз. Яқинда бир хонадонда йиғинда бўлдим. Шунда беихтиёр кўзим хонтахта тагига тахлаб қўйилган китобларга тушди. Назаримда, хонадон соҳиби хонтахта усти текис бўлиши учун шундай қилган кўринади. Қизиқиб биттасини қўлга олдим. Дарслик экан. Ҳайрон бўлдим. Фарзанди китобини эъзозлаб тепага қўйдириш ўрнига ундан тахтача сифатида фойдаланиши китобга бўлган ҳурматсизликнинг яққол кўринишидир. Бунинг устига китоблар мактаб кутубхонасидан бир йилга ижарага олинган бўлиб, улардан кейинги йил ҳам бошқа ўқувчилар фойдаланиши лозим. Ҳолбуки хонтахта оёқлари тагида эзилиб, йиртилган китоблар кейинги йилга яраши анча қийин. Энди шу хонадонда вояга етаётган фарзанд китоблардаги жозибани ҳис қилиши, улар билан дўстлаша олишига ишонмадим. Биз фарзандларимизни китобни ҳурматлашга ўргата олмас эканмиз, уларни бир умр ёлғизликка маҳкум этамиз. Чунончи буюк аллома К. Гольдони: "Яхши китоб кўтариб олган одам ҳеч қачон ёлғиз эмас",-деб таъкидлаган эди. Китоблар бизга ҳузур бағишлайди, улар биз билан гаплашади, бизга олижаноб маслаҳатлар беради. Китобдан йироқлашган бола шуларнинг барчасидан маҳрум бўлади.

Китобга бўлган меҳр ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Бунинг учун уларга китоб танлашни, уни билиб ўқишни ҳам ўргатмоғимиз керак. Баъзида билиб-билмай бунинг аксини қилиб қўямиз.

Бир ўқувчи қиз мактаб қироатхонасида ўзига ёққан китобни олади-да, ўқий бошлайди. Аммо воқеа қизиқ жойига келганда кутубхонанинг ёпилиш вақти бўлиб қолади. Ўқишни уйда давом эттирарман, деган хаёл билан қизалоқ китобни сумкасига солади-да секингина чиқиб кетади. У тўғри қилдими? Йўқ албатта. Аммо китобга бўлган меҳри туфайли болаларча содда фикр юритиб, шу ишни қилди. Китобни сумкага солаётганини дугонаси кўриб турган эди. У ҳам ўртоғига яхшилик қилмоқчи бўлиб буни кутубхоначига айтиб берди. Кутубхоначи синф раҳбарига мурожаат этди. Синф раҳбари эса қизчани ўғриликда айблаб, ҳақорат қилди. Ўқувчи ўзини айбсизлигини исботлаш мақсадида ўқитувчига гап қайтарган эди, ўқитувчиси унинг юзига шапалоқ тортиб юборди. Синфдошлари орасида ҳақоратланган, камситилган қиз кўзидан дув-дув ёш тўкканча уйга қайтди. Аммо уни бу ерда ҳам "жазо" кутаётган эди. "Ўғри"лиги ҳақидаги шум хабар уйга ундан олдинроқ етиб келган экан. Остонада онаси қизини яхшилаб "тарбиялаш"ни бошлади. Чаласига отаси онасини сўкди, қиз ўстира билмаганликда айблади. Эру-хотин уришиб, умумий алам яна қизчадан олинди. Она барибир онада. Қизига ачинди. Эртасига гулдай гиргиттонини ўғриликда айблаган устози билан ҳисоб-китобни тўғрилаб қўйиш мақсади-да синф хонасига йўл олди. Мактабда қий-чув. Ўқитувчи билан она расмана ёқалашишар эди. Қиз ҳайрон. Унинг учун энг азиз бўлган онаси ва устози у деб уришишар эди. Она қизини энди мактабга чиқармаслиги, китоб ушлайдиган қўлларини синдириб ташлашлигини айтганда ҳамма ҳанг-манг бўлиб қолди. Хўш, айтинг-чи, қизчанинг мурғак қалбида китобга нисбатан уйғонаётган меҳр энди сўнмайдими? Сўнади, албатта. Бола олдида, ўқувчи олдида жуда нотўғри иш қилишди. Ҳолбуки, шунча маш-маша ўрнига кутубхоначи, ёинки ўқитувчиси: "Қизим, ўқигинг келса бериб тураман. Бундан ҳам қизиқроқ китобларни бераман. Фақат айтиб олиш керак эди. Бундан кейин бундай қилма. Ўзимдан сўрасанг, энг яхши китобларни олиб қўяман",- деганида болада дунёқараш ҳам, илмга интилиш ҳам бошқача бўлар эди.

Шу ўринда беихтиёр ёш Алишернинг китобга бўлган меҳри ёдимга тушди. Алишер Фаридиддин Атторнинг "Мантиқут тайр" китобини жуда севар эди. Уни деярли ёдлаб олган эди. Ёлғиз қолганида хаёл сурар, китоби орқали қушлар билан суҳбатлашарди. Аммо устозига негадир бу ҳол ёқмади ва Алишернинг отасини чақиртириб қўйнидаги китобни сўради. Шу ҳолатда Алишер юрагида китобга бўлган меҳр, устоз ҳурмати ҳамда ота олдидаги итоаткорлик ўзаро баҳс қилар эди. Бироқ ота ҳурмати устунлик қилиб, истар-истамай китобни устозига беради. Устоз: "Бу китоб Алишерни хаёлини чалғитади, сабоқ олишда халақит беради",- деган ўй билан уни йиртиб ташлайди. Биз одатда китобни ўқиймизу, ундаги маънони уқмаймиз. Лекин Алишер китоб маъносини юрагига жо қилиб йиллар ўтгач шу китобнинг давоми сифатида "Лисонут тайр"ни ёзади. Бугунги кунда фарзандларимиз Алишер каби китобга меҳр қўя олишлари учун аввало фарзандларимиз қандай китобга қизиқишларини билишимиз ва таҳлил қилишимиз лозим. Бунга эса андак ҳафсалали бўлиб, бироз вақт топсак кифоя.

**Ҳамдам ТЎЙЧИЕВ**

# ДУОЛАРИ ОЛТИН-ОНАГИНАМ

*Фақат сизга аталган сўзим*

Отам билан онам бир ўғил, олти нафар қизни оқ ювиб оқ тараб тарбия қилдилар. Уларнинг маълумотли, касб-корли бўлишларига эришдилар. Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси бўлган отагинам ҳаётнинг ҳар бир лаҳзасига шукроналик билан қарардилар. Онамни ва бизларни сабр-бардошли, меҳр-оқибатли, инсонларга наф келтириш, савобли ишларни қилиш каби яхши фазилатлар эгаси бўлишга даъват қилдилар. Қон босими ошиб кетганлиги туфайли оғир дардга йўлиққан отамни онагинам 13 йил тарбия қилдилар. Эҳ онагинам-а! Ҳаммасига улгурардилар. Отамни вақтида овқатлантириш, дори-дармонини бериш, озода-покиза сақлаш... Уй юмушлари, мол-ҳол, неваралар парвариши, келди-кетди... Онам режа асосида ишлашга шундай ўрганиб қолганларки, уйда ҳамма нарса ўз ўрнида. Сарамжон-саришталик ҳукмрон. Ҳатто молхоналар ҳам чиннидек. Молларга ҳам алоҳида бир меҳр билан қарайдилар.

- Буларга бунчалик эътибор билан қарайсиз, ўзи мол бўлса, - дейман ҳазиллашиб.

- Қўй болам, ундай дема. У бир тилсиз жонивор. Иссиқ кўз билан қарашинг керак. Ахир, "молда жон", деб бежиз айтишмаган. Уни бир жонивор деб ҳар хил нарсани тиқиштираверсанг оқибати яхши бўлмайди, болам.

Уйли-жойли бўлиб кетган қизлари келса, онамнинг боши осмонга етади. Бир пас ўтириб ҳол аҳвол сўрашади. Ишларимиз, оиламиз, неваралар ҳақида алоҳида-алоҳида сўрайди. Кўзларимизга меҳр билан боқади. Ташвишлими ё бахтиёрми — зимдан кузатади.

Онам қўни-қўшнининг ҳам кўнглини қолдирмайди. Яна эрта тонг саҳарлаб туриб юмушларга уннаб кетади. Бир зумда дастурхон безайди. Сут, сариёғ, мураббо — бор нарсасини сизга илинади.

«Чойингни иссиқ сут билан ичиб олгин болам, сут белингга қувват бўлади, пешингача оч ҳам қолмайсан...» Бир пиёла чой ичгунча панд насиҳатларга кўмиб ташлайдилар.

«Уйингнинг сирини зинҳор сўзлагувчи бўлма. Деворда ҳам қулоқ бор, болам. Қайнота-қайнотангни ҳурмат қил, уйингга эзгулик тилаб туришади. Эрингни ҳурмат қил, гапини икки қилма. Болаларинг олдида бачкана қилиқ қилма. Қозон-товоғинг покиза турса, баракот ёғилиб туради.

- Эҳ онажон, шу панд насиҳатларингизни ҳар гал такрорлайсиз,- оғрингандек бўламан.

- Ундай дема, болам, гапларим қулоғингда олтин сирға бўлсин, шунда қоқилмайсан. Фарзандларингни ишга ўргат. Ишёқмас, дангаса бўлмасин, мустақил ишласин. Талабчан бўл, айниқса қизинг тарбиясига эътиборли бўл.

«Тиниб-тинчимас онам-а, қачон ўзи ҳақида ўйлар экан-а», дейман. Бизлар ҳамиша ўз ташвишимиз билан оворамиз. Гоҳи телефонда ҳол-аҳвол сўрашамиз. Унда ҳам ўз дардимизни сўзлаймиз. "Аҳволингиз қалай, онажон", деймизу лекин, оғирини енгил қила олмаймиз. Аммо, онаизор фарзандлар, 28 невара, 14 нафар эваралари дарди билан яшайди. 1992 йил отам вафот қилдилар. Шундан бери онагинам ҳам ота, ҳам она, ҳам меҳрибон бувижон, маслакдош, ширин дугоўй. Бир қарасанг кўрпа қавийди, бир қарасанг эваралар ҳолидан хабар олади. 73 баҳорни қаршилаб, юзларингизда чизиқлар кўпайиб, сочингиз оппоқ қордек бўлиб ҳам ҳамон ҳаракатдасиз.

Сиз борсиз олам мунаввар, сиз борсиз отам тирикдек.

«Қарияларни қадрлаш йили»даги илк баҳор ва Наврўзи олам билан сизни чин қалбимдан кутлайман, Онажон! Отам кўрмаган орзуларни сиз кўринг, невара-чевараларингизнинг севимли ва ардоқли бувижони бўлиб юринг!

**Замира БЕКЖОНОВА**
**Хоразм вилояти**



# ҚИЗЛАРГА АТАЛГАН СЎЗЛАР

*(Боши ўтган сонларда)*

Қўлларинг тумонат лашкарингдир. Кўнгилларни сенга забт этиб берадиган ҳам шу. Аксинча, одамларнинг сенга ихлосини ўлдирадиган ҳам шу қўллардир.

Қўлингнинг ҳар бир иши феълингнинг таржимаси: қилган ишингга қараб дидинг, ақлинг даражасини аниқлайдилар, ўзингга баҳо берадилар.

Қўлинг сени шарманда қилиб қўймаслиги учун ва ёки қўлингнинг қарғишига қолмай десанг, унинг бор имконини юзага чиқар. Қўлни гапиртирадиган эса ЗЕҲНДИР! Ўшани ишга сол.

* * *

Қўл иккитагина, холос. Ишлар, албатта, навбати билан бажарилади, ҳолатни доимо биринчи рақамли эҳтиёж бошқаради. Дейлик, тонгда уйғондинг. Биринчи эҳтиёжинг – ювиниш. Агар шу ювиниш билангина кифоялансанг, баҳоинг – ёмон! Ҳар қандай жонвор ҳам бу ишни бажариши мумкин. Сенга эса зеҳн берилган. ***ҲАМИША ЮМУШ АТРОФИДАГИ ЮМУШЧАЛАРНИ КЎРА БИЛ ВА УЛАРНИ ҲАМ БИР ЙЎЛА БАЖАРИБ БОР.*** Масалан, ювингани чиқар экансан, аввал жойингни йиғиб, чиройли қил. Тунги кийимингни алмаштир. Ётоқхонангда нима жойидан жилган бўлса, жойига қўй. Хонангдан чиқишдан олдин ойнакка кўз сол, кўринишинг биров айб қилмагудайми? Чиқарда йўл-йўлакай кўзинг ерда бўлсин, оёқ остига тушган, сочилган нарсаларни йиғиб-териб бор. Ювиниб бўлгач, ювинган жойингга яна бир кўз солиб қўй, ҳамма ёқ тартиблими, сендан кейин бу ерга кирадиганнинг кайфияти бузилмайдими? Ана шундан кейингина бошқа юмушга урин.

Яна мисол: музлатгичдан нарса олар ё солар бўлсанг, ҳар сафар ичини назорат қил, ҳеч нарса тўкилиб, сочилмаганми, бурчак-пана жойларида қолдиқлар ҳидланиб қолмабдими... ва ҳоказо.

Дейлик, сенга керак буюм хонанинг у бошида. Аммо унга етгунча атрофни бир сидра назорат қил: парда қийшайиб қолган бўлса, тўғрила, жовоннинг эшиги очилиб қолган бўлса, ёпиб ўт. Хулласи, ишингни ҳам битир, йўл-йўлакай нотўғри нарсалар ҳам тўғриланиб қолсин. Шундагина зеҳнни ишлатган бўласан.

* * *

Уйингдаги ҳамма нарса сенга хизмат қиламан деб мўлтираб турибди. Уй анжомлари дўсти содиқларингдир. Кунда бир маҳал қўлингга артгични ол-да, ҳаммасининг бошини бир-бир силаб, дийдорлашиб қўй! Уларнинг юзини равшан қилаверсанг, улар сенга "покиза" деган унвон олиб берадилар ва азизлик келтирадилар!

* * *

Бир қўшни қизнинг турмуши бузилди. Қарангки, у кўчини олиб қайтадиган куни уйни ҳам одатдагидай ҳамма ёқни ораста қилиб кетибди. Қўшнилар ҳол сўраб кирсалар, қайнонаси тахланган сочиқларни хомуш силаб ўтирганмиш. "Қаранг, барака топкурни, ошхонанинг нарсаларини ҳам мана шундай ярақлатиб тутарди",- дермиш юм-юм ёш тўкиб. Ҳеч кимнинг рўзғори бузилмасин, унинг азиятини бошидан кечирган билади. Бу келин мазкур хонадондан дили қаттиқ синиб, дили эмас, умри синиб чиқиб кетди, аммо доим изини чиройли тутиб ўрганган учун, ҳатто қозон сочиққача покизалаб кетди! Аёл кишининг бағри нурхона эканлиги, унинг излари ҳам нурланиб туриши шу!

*(Давоми бор)*

**Турсуной СОДИҚОВА**



# МЕН ФАҚАТ ЎЗИМНИ КЕЧИРОЛМАЙМАН...

Мактубни ёзишдан олдин бу ҳақда жуда кўп ўйландим — ойлар ва ҳатто йиллар...

Мактабда ўқиб юрардим - кимнингдир нигоҳи мени таъқиб қиларди гўё. Дастлаб унинг ҳатто исмини ҳам, кимлигини ҳам билмасдим. Кейинчалик мен ҳам уни кузата бошладим - уларнинг "дарс жадвали" менга ёд бўлиб қолди. Икковимиз ҳам мактабнинг энг аълочи ўқувчилари эдик. Ўша йилларнинг "медалист"лари. Бошқалар сингари - мен кутганимдек у севги тўла мактублар ёзмади. Биз гўё нигоҳлар орқалигина сўзлашардик... Мактабга фақат уни бир бора кўриш учунгина борардим, гўё. Гоҳида унинг бесаранжом нигоҳларини четдан кузатиб турар ва уни мени излаётганини сезардим. У ўқишга кетди. Мен учун гўё мактаб бўшлиққа ўхшаб, ҳувиллаб қолди. Энди гоҳи-гоҳида учрашардик... Кейин мен ҳам институтга кирдим. Биз энди бир шаҳарда ўқий бошладик. Дастлабки кунлар, ойлар бегона муҳитга кўниколмай анча қийналдим. Кўнглимга таскин берадиган фақат бир нарсагина бор эди. У ҳам бўлса - у...

Биз бир-биримизга жуда қаттиқ боғланиб, суяниб қолдик. У ҳар сафар мен билан хайрлашар экан, яна қачон келишини ҳеч айтмасди. Лекин билардим-ки, у ҳам худдики мен сингари... Уни жудаям соғинган куним - сабрим тугаган кун... у мени кутиб турарди.

Қизиқ, биз фақат бир-биримизни жонимиздан ортиқ севибмиз - севилибмизу, бу севгини ҳеч қачон бир-биримизга айтмабмиз. Жимгина севибмиз, худди жимгина ажрашишганимиз сингари...

Юрак ютиб бир куни кўнглимдаги дардимнинг бир учини чиқардим: "Уйимиздагиларнинг нияти бошқача..." У кўзида алам, тубсиз алам билан кетди...

Ёмғир ёғаётганди. Гарчи "келманг" деган бўлсам-да, уни соғинганимни, кўришим кераклигини ҳис қилдим. Ўртоғимнинг кинога бориш таклифини рад этиб, уйга шошилдим. Бугун уни кўришим керак!.. Мен уни узоқдан танидим. Яқин бордим. У бутунлай ивиб кетган, сочларидан ёмғир томчилар, унинг кўзларидан эса гўё соғинч ёғиларди...

Биз жимгина бир-биримизга тикилардик - фақат билмасдим - юзларимиздаги бу томчилар фақат ёмғир сувларимиди, ёки... "Сенсиз яшашим қийин, тушун", - бу унинг сўзлари эди. Бир гал эса: "Кейин бир умр куйиб ўтмасайдик", -деди худди олдинда бизни нималар кутаётганини билгандай...

Опамнинг яхши кўрган йигитига турмушга чиқишига ота-онам жудаям норози эдилар. Шу туфайли уйимиз доимо нотинч, опам эса фақат шу йигитни дер эди. Бу жанжаллар шу даражада бадимга тегиб кетгандики мен опам сингари йўл тутишга, ота-онамни норози қилиб турмушга чиқишга ўзимда куч топа олмасдим... Билмадим, қандайдир қарздорлик ҳиссими, ёки ундан кучлироқ қўрқувми, мени ўз севгимни ҳимоя қилишимга йўл бермасди. Ишқилиб, онам унинг онасига мени бошқа йигитга унаштириб қўйишганини айтгач, унинг тўйи бўлди... Йўқ, булар мен ёзаётганимдек осонгина юз берган йўқ! У ота-онам танлаган ўша йигит билан гаплашиб турганимни кўриб, менга бахт тилади. Энди ўйлайман: "Менга бахт тилагунча, юзимга бир шапалоқ уриб, қўлимдан судраб кетсанг бўлмасмиди?.."

Таътилда уйга борсам, опам: "Унинг фотиҳаси бўларкан", - деди... Кўп китоб ўқирдим. Ёзувчиларнинг: "Юрагимда бир нарса узилиб кетди", - деган иборасини худди шу вақт ҳис этдим. Юрагимда нимадир узилиб кетди, нимадир...

Ўзга муҳит, қолаверса оилавий ҳаёт ташвишлари билан бўлиб, мен сал ўзимга келгандай бўлдим. Уни эсламасликка, турмуш ўртоғимга садоқатли бўлишга ҳаракат қилардим. Қанчадир вақт шундай бўлди ҳам. Ўша дамлар, ўша учрашувларимиз, унинг ўйчан, маъюс нигоҳлари, сўзлари тушимга такрорланаверарди.

Тақдир эканми, яна биз бирга ўқиган шаҳарга келиб яшай бошладим. Худо юрагимга муҳаббат берганида ҳали ҳаёт нималигини тушунмайдиган қизалоқ эдим. Шунга ҳам 15 йил бўлибди. Гоҳида ўйлайман, муҳаббатнинг охири азоб бўлса, у нега бериларкан?.. Оилам, фарзандларим бўлсаю, юрагим гўё менинг ойнадаги аксим - мени жим кузатади, кулсам ҳам, йиғласам ҳам. Тунлари эса, ўксиб-ўксиб йиғлаб чиқади. Ажралганимизга 8 йил бўлибди. 8 йилдан бери ҳар тун тушларимда уни кўраман...

Энди ўйлайман, ота-оналаримизнинг бегоналашиб кетмайлик деб, қуда тутинишлари шартмиди? Чунки турмушга чиққач, кўп қийналдим. Бир ёқдан ўқишим, фарзандим... Бир шаҳардан иккинчисига кўчиб юришларга мен чидадим-у, лекин "бегона бўлиб кетмайлик", деган катталар бир-биридан хафалашиб, бегоналашиб кетишди. Қариндошчилик иплари узилиб кетарканку, мен ўртада ким бўлдим? Ота-онам орзусининг қурбонимиди?

Ёзда ота-онамни соғиниб йўлга отландим. Эшикдан кирдиму менга эмас, фарзандларимга талпиниб, уларни бағрига босаётган азизларимга қараб туриб илк бор кўнглимда ўй ўтди: "Невара шунчалар ширин экан-да. Ўшанда ота-онам норозилигига қарамай унга турмушга чиқиб кетсам ҳам бўларкан-ку. Бир кун у билан фарзандларимиз қуршовида кириб келганимизда ота-онам кечирармиди?..

Мактабда ўқиб юрганимизда бизларга ҳамманинг ҳаваси келарди. Ҳа, ҳамма бир-бирларингизга моссислар дерди.

Унинг тўйи бўлиб ўтгач, мен яна 2 йил ўқидим... Энди ўша кунларимни ўйласам, кўзимдан ёш тўкилаверади - юрагим орқага тортиб кетади.

Шундан сўнг менинг ҳаётимда маъно қолмаган - ўқишимда ҳам тартиб қолмаган эди. Кундуз кунлари телба сингари тентираб юрар, тунлари ёстиғим ҳўл бўлиб уйқуга кетардим. Тушимда эса фақат унинг маъюс кўзлари мени ҳамма жойда таъқиб қиларди...

Қувонч, кулгу нималигини унутгандек эдим. Йўқ, кулмасдим эмас, кулардим. Лекин ҳис этардимки, кулаётган пайтда ҳам кўзимда ёш бўларди...

Кўнглимга фақат бир нарсагина таскин берарди - у ҳам бўлса - у менинг тўйим бўлмасдан олдин уйланди. У бахтли...

Нақадар катта хатога йўл қўйганимни, усиз яшаш қанчалар оғир эканлигини англаганимда эса кеч эди... У энди бегона эди. Энди минг фарёд урмай, у келар йўлларда соғиниб-сарғайиб уни ҳар қанча кутмай, бари бефойда, кеч эди...

У биз ўқиётган шаҳардан бутунлай кетди. Мен учун қолиб, эндигина ишга жойлашган эди. Дадаси биз учун уй олиб қўйган экан, энди-эндигина ҳаммасини бошлаётган эди. Ишини, уйини, шаҳрини, мени ташлаб кетди. Усиз бу ерда 2 йил умрим қандай ўтганини ҳис этмай яшадим. Яхшиямки, одам жинни бўлиб қолмас экан...

Кейин эса отамнинг орзулари ушалди, уларнинг юзини ерга қаратмадим - улар танлаган одам билан менинг ҳам тўйим бўлди. Мен ҳам бу шаҳардан кетдим. Эсимни таниб билганим, биринчи муҳаббатимни, ушалмаган орзуларимни, қувончимни, кўз ёшимни, армонимни — ҳаммасини бу ерга қолдирдиму - кетдим...

Синфдош қизларнинг ҳам севган йигитлари, унинг ўртоқларининг ҳам севган қизлари бор эди. Қизиқ улар биздек институтни, ундан кейин эса магистратурани орзу қилишмабди. Мактабни тугатибоқ турмуш қуришибди, балки уларнинг бахти ҳам шундадир.

Менинг юрагимни 8 йилдан бери кемираётган армон шунинг учун ҳам уларга бегонадир?..

Билмадим, бахтли бўлолмаганимизнинг сабабчиси биргина мен эмасдирман. Бу нарса икковимизга боғлиқ эмасди, назаримда.

Ҳар уйга борганимда опам у ҳақда нимадир айтади, нимадир... Унинг ишлари яхшилигини, омади юришганини ва яна нималарнидир... Биламан, у яна бир нарсани - мени аяб айтмайди - бу мен сенга беролмаган бахт. Буни унинг кўзлари айтади...

Менинг юрагим эса, ўксиб-ўксиб йиғлайверади.

Шифокорман - ўз дардимдан бўлак ҳамманинг дардига даво топа олдим, ҳамманинг...

Шоир айтганидек:

**Ўтмишни хаёлдан ўчиролмайман,**
**Манглайда шўримни**
**ўчиролмайман,**
**Ҳаммани кечирдим дунёга келиб,**
**Мен фақат ўзимни**
**кечиролмайман.**

Гарчи бир-биримиздан олисда яшасакда, доимо у ҳақда нимадир эшитаман. Яқинда эса у ҳозир мен яшаётган, бир пайтлар биз муҳаббат оғушида сузган бу шаҳарда, вақтинча ўқишда эканлигини эшитиб қолдим. Эшитдиму, юрагимга бир аламли оғриқ урилди.

Негадир кўзларимдан аччиқ-аччиқ ёш оқди. Сабабини ўзим ҳам тушунмадим.

Унинг шу ердалигини эшитиб, сал олдинроқ кўрган тушларимга таъбир топгандек бўлдим. Ахир биз яна бир жойда яшаётган эканмиз, бир ҳаводан нафас олаётган эканмиз...

Атрофимда парвона икки гўдагимга қараб туриб ўйлайман: энди балки бу ҳаётда ўзим учун яшашга, ўзимни ўйлашга, туйғулар оғушида сузишга ҳаққим йўқдир... Нима бўлганда ҳам энди фарзандларим бор. Энди туйғулардан, безовта юракдан воз кечиб улар учун яшашим керак, ахир.

Ҳаётимнинг ёлғиз қувончи — фарзандларим учун яшарканман сенга бўлган муҳаббатимни юрагимнинг қўли етмас, кўз илғамас тубига кўмдим, азизим. Зеро, биз яна учрашамиз. Фарзандларимни катта ҳаётга йўллаб, уларга муҳаббат нималигини англатгач, биз учрашамиз.

Ўн беш йилдан бери юрагимдаги бу муҳаббат, саккиз йилдан бери юрагимдаги армон оғриқлари энг сўнгги нафасимга айланади-ю, биз учрашамиз...

**Шу аснода тилимга,**
**Бир сўз келди, азизим.**
**Учрашамиз иккимиз,**
**У дунёда азизим.**

**ДИЛФУЗА**

**Тошкент**



О, муҳаббат

# ҚИЗЛАРИ БАХТИНИ НАҲОТКИ ЎЙЛАМАСА

Ёшим 22да. Олий маълумотлиман. Талабалик давримда бир ойга талабалар шаҳарчасига малака ошириш учун келган самарқандлик Зарифа деган бир қизни ёқтириб қолдим. Билан дўстлашдик, кейин бора-бора дўстлигимиз севгига айланди. Биз тез-тез учрашиб турдик. Деярли ҳар куни телефонда узоқ суҳбатлашардик. Бир ой Тошкентда бирга бўлиб, бир-биримизга жуда ўрганиб қолган эдик. Ҳар куни ўқишдан кейин у билан бирга шаҳар айланардик. Бўш вақтларимизда театрга, концертга бирга борардик.

Ниҳоят у Самарқандга қайтадиган бўлди. У менга севишини, кейин ҳам кутишини айтиб жўнаб кетди. Орадан бир қанча вақт ўтгандан кейин уни Самарқандга излаб бордим. Тўғри ота-онасига учрашиб, қизини севишимни, унга уйланишимни айтдим. Аввал ота-онаси рози бўлмади. Кейин Тошкентда ишлаб қолишимни, Қорақалпоғистонда тўй қилиб, қизи билан бирга Тошкентда яшашимни айтганимдан кейин рози бўлишди. Шу куни биз отасининг розилигини олиб, Зарифа билан хайрлашиб яна Тошкентга қайтдим. Кейин ўқишни тугатиб, Тошкентда ишлаб қолдим. Зарифа билан тез-тез телефонда гаплашиб турдик. Бир неча бор Самарқандга бориб у билан учрашиб келдим.

Менга ота-онам уйга қайтишимни, туманимизда ишлашимни айтишди. Кейин мен туманимизга қайтдим, ҳозир туманимиздаги корхоналардан бирида ўз мутахассислигим бўйича ишлаб келмоқдаман. Уйга келгандан кейин ҳам Самарқандга икки марта бориб, у билан учрашиб келдим. Кейинги борганимда ноябр ойлари эди. Самарқанддан келганимдан сўнг, уч кундан кейин изимдан хат келди. Хатда ота-онаси қизини Қорақалпоғистон томонга умуман бермаслигини айтибди. Зарифанинг отасига тоғаси бу ерларда яшаш шароити оғирлигини айтибди.

Ахир ота-она учун қизи қаерда бўлмасин бахтли бўлса, ўзи билан ўзи тинчиб кетса шунинг ўзи етарли эмасми? Бировларнинг гапига кириб қизининг бахтини ўйламаса. Энди ота-онам мени уйлантиришмоқчи, севган қизимни ота-онаси бермаса, бошқа қизни севолмасам. Нима қилишга ҳам ҳайронман... Маслаҳат беринг, қандай йўл тутсам Зарифанинг ота-онаси рози бўлади.

**САНЖАРБЕК**

**Амударё тумани**

# ИСНОД

**«Онасини кўриб қизини ол, деганлари тўғрими?»—3-сон**



*ЭСЛАТМА: Онам билан дадам турмуш қурганларига 23 йил тўлганда ажралиб кетишди. Бунга онамнинг ёшлигидаги биринчи муҳаббати сабаб бўлди. «Онасини кўриб қизини ол»,-дейдилар. Менинг тақдирим энди нима бўлади? Қари қиз бўлиб қолишни истамайман. Айтинг, нима қилай?*

ХУШРЎЙ

Хушрўйхоннинг хатини ўқиб, бу иснодку деган хулосага келдим. Хўш иснод нима ўзи? "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" да бу сўзга уятга ёки таънага қолдирадиган, номга доғ туширадиган иш, номус деб таъриф берилади. Сўз кетидан сўз қувадиган бўлса, номус нима дегани? Худди шу изоҳли луғатда келтирилишича, номус кишининг ўз обрўсини улуғлаш ва ардоқлаш ҳис-туйғуси, орият, диёнат, виждон. Хижолат тортиш ҳис-туйғуси, уят, андиша, шарм-ҳаё, ор. Қиз покилиги, иффат, қизлик мазмунларини ҳам англатади. Ор дегани ўзига номуносиб ёки эп кўрилмаган ишдан, нарсадан хижолат тортиш, уялиш туйғуси, уят, номус. Обрў, фахр мазмунини ҳам бераркан. Уят эса ўзининг ноўрин хатти-ҳаракатини англаб ўкиниш, ўта хижолат бўлиш ҳисси.

Тадқиқотни шу ерда тўхтатсак-да, асл муддаога ўтсак. Хушрўйхоннинг мактубини ўқиган ҳар қандай муштарийни бефарқ қолдирмайди. Оиладаги воқеалар қиз қалбини изтиробга солган, унинг андишалари, хижолат бўлаётгани унинг ўзини яхши тутаётганини, соғлом фикрлашини кўрсатмоқда. Турмуш чорраҳасида қоқилишига бир баҳя қолган қизни суяш, унга ҳамдард бўлиш ҳаммамизнинг бурчимиз. Бунга ўхшаш воқеалар оз эмас. Жамиятни соғломлаштириш, уни мусаффолаштириш учун ҳамма бирдай курашиши керак.

Оилани давлатнинг, жамиятнинг кичик бир бўлаги дейдилар. Ватанни Онага, Онани Ватанга қиёс этадилар. Улуғлаганимиз муҳтарам зот — Она оила шаънига доғ туширса, кечирилмас гуноҳдир. Бу нафақат Хушрўйлар оиласининг, уларга замондош, ҳамнафас жамият фуқароларининг ҳам изтиробидир. Тўғри, бўлган иш бўлган, эски ҳолига қайтмайди. Хушрўйнинг отасида орият бор, номус бор, шаън бор. Хиёнаткор хотинни ҳайдаб юбориб тўғри қилган. Энди Хушрўйга, отасига, оиласида қолганларга сизу бизнинг тўғри фикримиз, ўтаётган вақт даво бўлади.

Энди тасаввур қилинг: ота бошқа хотинга уйланди. Бунга ҳақли. Болалар ана шу ўгай она ихтиёрида бўлади. Бу олдиндан айтиш мумкин бўлмаган муаммоларни келтириб чиқариши ҳеч гап эмас. Руҳи синган қизлар ўгай она билан тил топа олармиканлар? Ё Она дегани менинг онамга ўхшаган бўлса, бу аёл ҳам шуларнинг бири-да деган хаёлга бормайдими?

Онанинг қизлик вақтида севгани бор экан, битирув оқшомида хафалашиб қолибдилар. Аччиқ устида Хушрўйнинг отасига тегиб кетган экан, фарзандлар кўрибди. Оллоҳга шукр демайдими? Сабр этагини тутмайдими?! Қаноат қилмайдими?! Фарзандлари ҳаққи-хурмати обрўсини сақламайдими?! Аёллик шаънини ҳимоя қилмайдими?! Қани Оналик ори, номуси?! Қани оилавий масъулият?!

Йигирма уч йил олдинги муҳаббатини "даъво" қилиб келган ўша эркакка ҳам ҳайф! Ўтган йилларда оила қургандир, болалари бордир. Унинг бу қилиғи ҳам ўз оиласига хиёнат-ку! У хонадонда аҳвол не кечаяпти? Ровийларнинг айтишларича, Расуллуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам: "Қиёмат куни (ҳар бир хиёнаткор ўшал) байроқ орқали маҳшар аҳлига кўрсатилиб, маълум (шарманда) қилинур",-деган эканлар. Қиёмат куни ҳар бир хиёнаткор турган ерга унинг бул дунёда хоин бўлганлигини англатувчи байроқ ўрнатиб қўйилур. Расуллуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Ҳаё — иймон дарахти шохларидан биридир" деган эканлар. Оламдаги барча ишларнинг интизоми шарму ҳаё билан узвий боғлиқ бўлиб, агар шарм пардаси ўртадан кўтарилса, инсон инсондан шарм қилмай қўйса, одамлар ўртасидаги тотувлик барҳам топар экан. Чунки, шарму ҳаё Оллоҳ таоло қайтарган нарсалардан ва макруҳ кўнгилхушликлардан инсонни тийиб турар экан.

**Беҳаё кўз ҳеч қачон**
**мақтовга лойиқ кўз эмас,**
**Оқилу доно киши у ҳақда**
**яхши сўз демас.**

Иффат - гўзал ва мақтовга лойиқ хулқлардан бўлиб, Оллоҳ таоло ҳаром қилган ишлардан ўзни сақламоқлик экан. Уламоларнинг айтишларича, одамда иккита ўхшашлик бор экан: Биринчиси инсон ақл соҳиби бўлгани учун фаришталарга ўхшаркан. Шу боисдан у илму амалга майл қилар экан. Иккинчиси нафс соҳиби бўлгани учун ҳайвонларга ўхшаркан. Шунинг учун ҳам еб-ичиб ва бошқа лаззатларга ҳирс қиларкан.

**Сенда бордур ҳам фаришта**
**ҳамда ҳайвон хислатинг,**
**Сўнггидан кечсанг, бўлур**
**ортиқ малакдан иззатинг.**

Қачон инсоннинг нафси ғолиб келса, у ҳалол билан ҳаромнинг фарқига бормай қўяди. Шу боисдан у шаҳвати устун келган вақтда никоҳу зинони фарқламайди. Иффат одамнинг нафс жиловини тортиб, ҳиммат этагини ҳаромдан покиза тутиб туради. Оқил киши ўзининг фаришталарга ўхшаш жиҳатларини зиёда қилиб, ҳайвонларга ўхшаш жиҳатларига камроқ эътибор берса яхшироқдир.

Иқтибосу фикрлар хулоса чиқаришга етарли, деб ўйлайман. Энди Хушрўй бика ва унга ўхшаганларга айтадиган бир-иккита гапим бор. Дунё шайтоннинг дўкони экан. Унга парвонадир гоҳо эркак, гоҳо аёл, йигит, қиз. Раҳмон томон қочган яхшироқ. Отангизга меҳр беринг, у зот Оллоҳнинг ердаги тимсоли. Бошқа таърифларга йўқдир эҳтиёж. Ота дуоси кўкартиради, унга эришмоқ керак. Ҳаёт деганлари жуда мураккаб, эҳтиёт бўлгайсан, қизалоқ. Яхши-ю ёмоннинг фарқини англа. Ўтган гапларни-чи, қўй нарироққа. Бепарво қара, бўл совуққонроқ. Оллоҳдан бахтингни тила. Дуога очилган қўллар қуруқ қайтмагай. Оллоҳнинг даргоҳи кенг. Қуруқ қайтаришга уялгай. Қуръону ҳадисдан ол кўпроқ сабоқ. Ўзингни англайсан, Оллоҳни танийсан. Ундайлар ўзини йўқотмас, севгида адашмас. Иймонлининг суянчи Оллоҳ, Зикри Қуръон, Фикри ҳадис. Шулардан у қилар шукр, топар сабр, қаноат. Ҳатто шайтон бундайларга қила олмас бирор маломат. Тўғри йўл, мана шул.

**КЎККЎРҒОНИЙ**
**Қарши шаҳри**

# АВВАЛО ИРОДАНГГА БОҒЛИҚ

*АКС САДО*

Хушрўй синглим, "Онасини кўриб қизини ол," деганлари тўғрими?- дея мактуб йўллабсан. Бу мақолнинг нечоғлик тўғрию, нотўғрилиги ҳар бир кишининг ўзига, иродасига боғлиқ. Онангнинг ўйламай қилиб қўйган ишидан оғир зарба олибсан. Ёшлари қирққа етганда муҳаббат... Бу ишни ерга урса кўкка сапчийдиган ғўр бола-ю, ҳали турмуш нима, бола-чақа нималигини англаб етмайдиган қиз бола ҳам қилмайди. Йигирма уч йилдан бери бир ёстиққа бош қўйиб, шу йиллар давомида ўғил-қиз орттирган, нима топса уйига ташийдиган кимса — эридан, наҳот икки оила бахтини, келажагини чил-чил қилган нопок кимсани устун кўрса-я?

Мен инсон умрини тўрт фаслга менгзайман. У туғилганидан йигирма ёшигача баҳор фаслида, йигирмадан қирқ ёшигача ёз фаслида, қирқдан олтмишгача куз фаслида, олтмишдан кейин то умрининг охиригача қиш фаслида яшаса керак, деб ўйлайман. Умрларининг "ёз"и тугаб, "куз" фаслига қадам қўйганида, энди ўғил-қизларини уйлаб-жойлаб, қуда-анда орттирадиган, невaралар боқадиган аёлга бу ишлар эпми? Одам ёши улғайгач, болалари учун яшаши керак-ку! Она ўз хоҳиш-истаги йўлида наҳот бир оила шаънини, фарзандлари орзу-ҳавасларини барбод қилса-я? Бир кун ўзга хонадон эшигига борганингизда сизларга қанчалик қийин бўлишлиги нега эсига келмади. Қазоси етиб, сўнгги йўлга кузатилаётганда "онам"лайдиган қизлари-ю, тобути олдида бел боғлаб хасса ушлаб бораётган ўғиллари борлиги учун шукрона қилмай, бир эркакнинг этагидан тутиб кетса-я. Сен-ку, ўша аёлнинг қизи бўлганлигинг учун ор қилаяпсан. Мен уни танимасам-да, аёллик шаънини, қадр-қимматини кимнингдир нопок қадами остида поёндоз қилганлигини ҳис этиб, нафратланиб кетаяпман.

Хушрўй қизим, сен: "Онамни бундай йўл тутишида менинг айбим борми, қаерида хато қилдим?",- дея маслаҳат сўрабсан. Сенинг айбинг йўқ қизим. Сен хафа бўлма. Инсон мустақил ҳаётга қадам қўяр экан, қанчадан-қанча тўсиқларга дуч келади. Ана шу тўсиқларни енгиб яшасанггина эл аро ҳурмат-эътибор топади. Ўғил-қизлари, элу хешлари орасида қарилик гаштини суриб яшайди. Сенинг онанг тахлит умргузаронлик қилаётганлар-чи? Қолган ҳаётларини қай йўсинда кечираркинлар? Наҳотки улар умрлари поёнини ўйлаб кўрмасалар? Ўйлаб кўришга эса одамга дунёқараш-у, маънавий онг керак.

Шу ўринда бир ҳаётий мисол келтирмоқчиман:

Гулнора ота-онаси лозим топган йигитга_турмушга чиқди. Катта ўғли бир ёшга етгач, яна ҳомиладор бўлди. Турмушлари яхши кечаётган эди. Эри меҳрибон, уни оғир иш қилишига йўл қўймас, кир ювса, хамир қилса қарашар эди. Кўп ўтмай эри касалга чалинди. Унинг "оққон" деб аталувчи дардга чалинганлиги маълум бўлди. Гулноранинг ой куни яқинлашганда эри ўттиз ёшга етмай вафот этди. Эрининг "етти"си куни унинг кўзи ёриди. Болага "Ёдгор" деб ном қўйишди.

Орадан ойлар, йиллар ўтди. Гулнора икки боласи билан ўша уйда қолди. Бошқа турмуш қуришни хаёлига ҳам келтирмади. Сарвар 20, Ёдгор 18 ёшда. Иккови ҳам талаба. Турли спорт мусобақаларида қатнашиб, Ўзбекистонимиз шарафини ҳимоя қилиб қайтишмоқда. Ўғиллар камолини кўрган она бахтиёр. Эрининг пок руҳига хиёнат қилмай яшаб келаётган Гулнора сингари аёлларимизга ҳайкал қўйсак арзийди.

Хушрўй қизим, демоқчиманки, беш қўл баробар эмас. Ҳаёт ҳам, одамлар ҳам турфа хил. Бошингни эгма, ақл билан иш тут. Сенинг оқила, покиза, вафодор умр йўлдош бўлишингга шубҳам йўқ. Онанг бир куни қилмишларига пушаймон еб, кечирим сўраб келади. Лекин кеч, жуда кеч бўлади. Отангни аваила, отанг яхши одам экан. Шунча кўргуликларга чидабди. Сизларга Оллоҳдан мадад сўраб, салом билан.

**София УЗОҚОВА**

# ДЎСТ ТАНЛАШДА АДАШМАНГ

**«Ишонмагин дўстингга»—2-сон**

*ЭСЛАТМА: Сирдош дугонам К. билан Б. исмли қиз сабабли дўстлигимиз бузилди. Дугонамнинг юриш-туриши ўзгарди, дарсларга кирмайдиган одат чиқарди. Мен эса, уни бу йўлдан қайтаришга қанча уринсам-да, фойдаси бўлмади.*

РАЪНО

Раънохон, биласизми, дунёда яқин дўст, жон дўст ва мол дўст бўлади. Менимча, дугонангиз К. сизга атиги 2 йилдан бери яқин дўст бўлиб келган. Сезишимча, у ҳозир ҳам сизга дугона, лекин муносабати аввалгидек эмас. Сиз ҳам унга "чин" эмассиз. Буни айрим жумлаларингиз исботлаган: "Ўзимга берган ваъдам, ғурурим йўл қўймайди, мен гапирсам, ялинган бўламан", дебсиз. Дугонам деб турибсиз-у, ўзингизни дугона эканлигингизни кўрсатмаяпсиз. Чин дўстлар бир-бирини тушуниши осон кечади.

Менинг ҳам дўстларим жуда кўп. Уларнинг орасида яқинлари бор. Улар билан опа-сингилдекмиз. 3 йилдан бери бир жойда таҳсил олаяпмиз. Бирга юрамиз, бирон тамизга ёрдам керак бўлса кўмаклашамиз. Аммо, бор сирларимнинг барчасидан менинг чин дугонам Гўзал хабардор. У менга, мен унга қаттиқ ишонамиз. Биз ёшлигимиздан бирга улғайдик, бирга ҳамфикр, ҳамдардмиз. Бирор маслаҳатли ишни биргаликда ҳал қиламиз. Характеримиз ҳам бир хил, одамлар билан тез чиқишиб кетамиз. Баҳслашиб қолсак ҳам, яна ҳеч нима бўлмагандек гаплашиб кетаверамиз.

Раъно, мен сизга айтсам, К. сизга бор-йўғи синфдош экан. Шундай синфдошлар борки, улар қадрдон, бир-бирига меҳрибон. Сизларнинг орангиздаги дўстликни ҳақиқий деб бўлмайди. Дугонангизга гапларингиз кор қилмаган бўлса, сиз бундан хафа бўлиб юрманг. Унга нисбатан яхши муносабатда бўлиб қолинг. Раънохон, маслаҳатим — дўст танлашда адашманг. Тилагим, дўстларингиз кўпайсин. Айтишади-ку: "Дўст минг бўлса ҳам оз, душман бир бўлса ҳам кўп", деб. Лекин яна бир нарсани — «қўйлакнинг янгиси, дўстнинг эскиси яхши» бўлишини ҳам ёдингизда тутинг.

**БАРНО**
**Тошкент шаҳри,**
**Юнусобод тумани**

Oila va jamiyat
№ 12 (543) 20 — 26 март 2002 йил
Оила ва жамият



# ХАТОИМНИ ТУШУНИБ ЕТДИМУ...

Ёшим 18 да. Дилмурод исмли мактабдошим билан яқин дўст эдик.Ўшанда 15 ёшда эдим. Дилмурод ёнимда бўлса, ўзимни жуда бахтли ҳис этардим. Эсимда, у кунлардан бир кун менга бир қучоқ гул совға қилиб, ўз севгисини изҳор қилганди.

Аста-секин улғайиб бордик. Шундай пайт келдики, мен ўқишдан келсам ҳар куни уйда совчилар ўтирган бўларди. Бир куни эшигимиз тагида нотаниш бир "Нексия"ни кўрдим. Аввалига аҳамият бермадим. Кейин эса ҳайрон бўлдим: «Агар дадамга келган бўлса, нега шофёрини ҳам уйга таклиф қилмадилар? Балки бир бегонадир», - деб, шофёрга салом бериб, уйга кириб кетдим. У бўлса менга тикилганича қолаверди. Уйга кирсам, меҳмондорчилик жуда қуюқ... Дадамнинг улфатлари- эру хотин совчиликка келишган экан. Ойимлар мени кўриб, дарҳол олдимга чопиб келиб: "Қизим, юр, сенда зарур гапим бор", - деб қолдилар. Мен эса ҳайрон. Биз уйга киргач, ойим:

- Қизим, биз сенга анчадан бери бир гапни айтмоқчи бўлиб юргандик. Отанг иккаламиз сенга фақат бахт тилаймиз. Даданг ўзларининг яқин бир дўстларига сени келин қилиб узатмоқчилар...

Бизнинг уйимизда дадамнинг гаплари - гап! Бир сўзлари икки бўлмасди. Биз уларга ортиқча гап гапирмасдик. Йўқ, дадам баджаҳл эмаслар-у, лекин гапларини ҳаммага ўтказардилар. Дадам ойимнинг кўнглига жуда қарардилар. Уларни кийим-кечагу, зеб-зийнатга кўмиб ташлаганлар. Оғзимиздан чиққанини муҳайё қилардилар ва ҳаммамизни жуда яхши кўрардилар.

- Ойижон, нима гап ўзи, тушунтириб гапиринг.

- Қизим, биз сени тўйингни тайин қилиб қўйдик.

- Нега ахир, мендан бир оғиз ҳам сўрамасдан-а?

- Қизим, хафа бўлишга шошилма, биламан, Дилмурод деган йигит билан гаплашиб юрганингдан хабарим бор. Лекин у бизга умуман тўғри келмайди. Гап тўғри келиш-келмасликда ҳам эмас. Унинг ота-онаси унчалик яхши одамлар эмас экан. Биз суриштирдик. Катта опаси турмуши бузилиб қайтиб келибди. Ўзи битта ўғил экан, кетидан уч синглиси ҳам бор экан. Якка ўғилнинг иши қийин бўлади.

Мен эса фақат йиғлар эдим.

- Ойи, дадам-чи? Дадам билдиларми?

- Ҳа, даданг ҳам билдилар. Шунинг учун суриштирдилар ва: "Қизингга айт. Бизга бу хонадон тўғри келмайди", дедилар. Сен бизнинг ёлғиз қизимиз ва тўнғичимизсан. Укаларингга ўрнак бўлишинг керак. Уларнинг иккиси ҳам сени жуда яхши кўришади, - дедилар-да чиқиб кетдилар...

Шундан сўнг биз ўша йигит билан учрашдик. Ишонасизми, мен бир оғиз ҳам гапирганим йўқ. Бечора йигит бўлса, ёнимда парвона. Менинг бу қилиқларимга аҳамият бермаётганди...

Улар совғаларни бериб: "Икки ҳафта ичида тўй", - деб кетишди. Куёв бўлмиш, мени жуда севиб қолибди. Мендан бошқасига уйланмас эмиш... Мен бу икки ҳафтани қандай ўтказганимни тасаввур ҳам этолмайсиз. Чунки Дилмуродни жуда севар эдим. У учун ҳамма нарсага тайёр эдим.

Мана ўша тўй - тантанали кун... Лекин менга эса бу кун энг бахтсиз кундай эди. Мен ўзимни ўлдирмоқчи бўлиб, уксус олиб хонамга кирдим ва ота-онамга алоҳида, Дилмуродга алоҳида хат ёздим. Тўсатдан эшикдан дадам кириб қолдилар, жуда хурсанд эдилар. Менга қараб:

- Қизим, балки биздан хафадирсан, лекин кейин хурсанд бўласан. Бунақа оилани ва бунақа йигитни ҳеч қаердан тополмайсан. Менинг хоҳишимга бўйсунганингдан сендан жуда хурсандман, - деб мени қаттиқ қучоқлаб олдилар ва "бахтли бўл", деб чиқиб кетдилар.

Мен карахт бўлиб, уксусни қандай қилиб жойига олиб бориб қўйганимни ҳам билмай қолдим. Сўнг эса ёзган хатларимни йиртиб ташладим...

Мана тўй ҳам бўлди. Дадам менинг кўз ёшларимга чидолмай, иложи борича кўнглимни кўтариш учун қўлларидан келганича ҳаракат қилардилар.

Тўйдан сўнг биз уйга кирдик. Рашид акам (куёвнинг исми) жуда бахтиёр, мен эса кўз ёшларим билан дилим вайрон эдим. Қани эди шу ерда жоним узилсаю, у менга тегмаса... Уни шунчалик ёмон кўрар эдимки, ҳатто бир марта ҳам қайрилиб қарамасдим.

- Гулҳаё, нега доим хомушсиз? Нима учун йиғлайверасиз? Ахир бунақа қилманг-да? Ўзингиз ҳам тўй тугагунча фақат йиғладингиз, ҳеч нарсага қарамадингиз.

Мен эса жим... Шу тариқа биз анча ўтирдик ва охири:

- Гулҳаё, сизга бир савол берсам майли? - деди.



- Майли, - дедим.

- Сизнинг бир дардингиз бор, буни биламан. Мени ёқтирмай ота-онангизнинг истаги билан турмушга чиққанингизни ҳам биламан. Наҳотки, "Бахтли бўлиб кетишимиз мумкин-ку?" деб ўйлаб кўрмасангиз. Гулҳаё, мендан хафа бўлмангу, мен ёлғон гапиришни жуда ёмон кўраман. Келинг, яхшиси келишиб оламиз.

- Нимани?!- дедим мен ҳайрон бўлиб.

- Сиз мени нима учун ёмон кўришингизни биламан.

- Нима демоқчисиз? - дедим.

- Сиз билан илк учрашганимизда мен сизга ёқмаганлигимни сезганман. Лекин сизни севганим учун ҳаммасига кўз юмдим. Дилмурод деган бола билан бир-бирингизни севганингизни эшитиб аввалига ҳафсалам пир бўлди. Лекин келинойим менга далда бердилар. Улар менга у ҳақида ҳаммасини суриштиришимни, агар у сизга муносиб бўлмаса, сизни қўлдан бой бермаслигимни айтдилар. Шунда мен у ва унинг оиласи тўғрисида ҳаммасини билиб, ўйлаб кўрдим ва у сизни бахтли қилолмаслигига ишонч ҳосил қилдим. У ҳозир отасининг пулига ишониб юрибди. Ҳеч қаерда ишламаскан. Шу ёшдан шунча ичсаю, лекин ота-онаси тергамаса - бу нима деган гап ахир? Бунинг устига ота-онаси сиз тўғрингизда бўлмағур гапларни тарқатиб ҳам юришганмиш. Ўйлаб кўринг, сиз бундай оилада қандай бахтли бўласиз?.. Мен сизнинг бошқача ҳаётда яшаб кетишингизни истардим.

- Лекин нима бўлганда ҳам, уни жуда яхши кўраман. Нима қилай? - дедим.

- Сиз ҳали ҳақиқий севгини билмайсиз. Аввало эркак киши севиши керак. Аёл кишининг севгиси эркак кишининг севгиси олдида ҳеч нарса эмас. Мен шу вақтгача бирон бир қизни севмаганман. Мана энди 23 ёшга кириб, ҳаётимда биринчи марта сизни севиб қолдим. Сиз ҳали навниҳол навдасиз, шамол қай тарафга эгса, ўша томонга эгиласиз. Майли, мен сизнинг кайфиятингизни бузишни истамайман. Лекин менга бир ой муҳлат беринг ва шу уйда яшаб кўринг. Сиз ўзингиз мени севиб қолиб, эру хотинлардек яшашимизни истасангиз, шундагина сизга яқинлашаман. Унгача кўнглингиз тўқ бўлсин — сизга қўлимни ҳам теккизмасликка сўз бераман. Энди мана бу билакузукларни тақиб олинг, улар сизга аталган, - дедилар ва: «Орамизда бўлиб ўтган бу гап ҳақида илтимос, ҳеч кимга айтманг! Бу менинг обрўйимга яхши гап эмас. Эртага эса ҳаммасини ўзим тўғрилайман, энди ётиб ухланг», - дедилар.

Эртасига эса янгаларимга ўзи "жавоб-муомала" қилиб, уларнинг кўнглини тўқ қилиб жўнатди...

Шу тариқа биз яшай бошладик. Рашид акам ишхонасидан тез-тез қўнғироқ қилиб турар, ҳар куни эрталаб ўқишга олиб борарди. Уйга эрта қайтар эди. Келишлари билан: "Негадир ишхонада ўтиролмайдиган бўлиб қолдим. Тезроқ уйга келсаму, сизни кўрсам, деяман. Шунда кўнглим хотиржам бўлади",- дерди. Мен бўлсам, шу бир ой тезроқ ўтсаю, уйга кетсам ва Дилмуродни кўрсам, дердим. Рашид акам ҳар куни менга ҳар хил нарсалар кўтариб келар ва тез-тез айланишга олиб чиқардилар. Қайнона-қайнотам эса тилла одамлар экан. Улар мени эрта тонгда турсам, доим койишарди. Катта қайноғам алоҳида ҳовли қилиб чиқиб кетган, кичик қайноғам эса ҳадемай

Дил изҳори

кўчиб кетади ва энг кенжаси биз, шу ҳовлида қоламиз. Уларнинг ҳаммалари ўқимишли ва катта лавозимда ишлайдиган обрўли кишилар. Оиласида қиз бола бўлмагани учун келинларни жуда ҳурмат қилишарди. Орадан бир ҳафта ўтгач, Дилмурод ўқиш жойимга ҳар куни ичиб келадиган одат чиқарди. Биз у билан аввалига яхши гаплашдик, кейинчалик эса гапимиз унчалик қовушмайдиган бўлиб қолди. Бунгача озгина бўлса-да, Рашид акам билан гаплашиб тургандим. Дилмурод кела бошлагач, Рашид акам билан умуман гаплашмай қўйдим. Бечора Рашид акам бундан ҳайрон: "Ахир сизга нима ёмонлик қилдим? Сизни хафа қиладиган бирон бир хатти-ҳаракат ҳам қилганим йўқ-ку?!", дерди, мен эса жим тураверардим...

Рашид акам атрофимда парвона эди. Чунки икки ҳафта ўтиб бўлганди. Мен овсиним билан ўз уйимизга бордим. Онам: "Қизим, эринг кетингда парвона эмиш. Эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Дилмуродни эсингдан чиқариб юборгандирсан-а?" - дедилар. Лекин мен индамадим. Илгаригига қараганда мен бу хонадонга анча ўрганиб қолдим, билмадим, негадир ота уйимда зерикиб, кетгим келди... Қайнота-қайнонам мени энг кенжаси ва ҳали ёш бўлганим учун кўп эркалатишарди. Ҳатто қайнотам ишдан қайтаётиб, менга ҳар хил шоколад ва бошқа ширинликлар олиб келиб: "Хўш, қани мени кенжам?", - деб чақирардилар. Улар менга худди ёш боладай муомала қилишарди.

Шу тариқа кунлар ўтаверди. Бир куни Дилмурод ўқишимга келиб: "Гулҳаё, юр, менинг бир аммам тоққа оиласи билан сайрга кетди. Уларникида бирга дам олиб, гаплашиб келамиз, - деди. Менга унинг гаплари жуда ёмон туюлди ва энсам қотиб, гапиргим ҳам келмади.

- Нима демоқчисан, очиғини айт?- дедим зўрға.

- Ҳа, нима? Ким билиб ўтирибди?

- Ахир мен ҳали...

- Қўйсанг-чи, қайси эркак шунча вақт бирга яшаб?.. Бўл, борасанми?

Мен уни биринчи марта шунақа ёмон кўриб кетдимки...

- Йўқ бормайман! Уйга боришим керак.

- Хўп яхши, кейин афсусланиб юрма, - деб Дилмурод машинасига ўтириб кетди.

Мен бўлсам қолавердим. Сал ўтмай Рашид акам келиб: "Кўп кутиб қолмадингизми, озроқ ушланиб қолдим", - деб уйга олиб кетди.

Мана, орадан бир ой ҳам ўтди. Бир куни ўқиш жойимга Дилмурод келди. Биз озгина гаплашиб ўтирмасимизданоқ, рўпарадан Рашид акам келаётганини кўриб қўрқиб кетдим. Илгари менга барибир эди. "Қайтанга кўрса яхши, ажрашиб кетади",- деб ўйлардим. Лекин бугун эса негадир жуда қўрқиб кетдим. Дилмурод менинг эртага бўладиган туғилган кунимга совға қилиб 2 та билет олиб келган экан. Рашид акамни кўриб салом беришимни ҳам билмай тилим айланмай қолди. Рашид акамнинг жаҳли чиқиб ўзини зўрға қўлга олиб тургани шундоқ юз-кўзларидан билиниб турарди. Мен, "Ҳозир юзимга шапалоқ тортиб юборади. Дилмурод билан ёқалашиб кетади, деб ўйладим. Йўқ, аксинча. Рашид акам босиқ оҳангда менга:

- Дарсларингиз тамом бўлдими? - деб сўради.

- Ҳа, - дедим.

- Бўлмаса машинага бориб туринг, мен ҳозир бораман, - деди.

Мен юрагимни ҳовучлаб машинага зўрға бориб ўтирдим. Дилмурод Рашид акамга қўлини пахса қилиб нималардир дерди. Кейин тўсатдан Рашид акам унинг юзига бир мушт тушириб қолди. Дилмуроднинг оғиз-бурни қонаб кетди. Мен эса ҳеч нарсага аралашмай, кўриб ўтиравердим. Кейин Дилмурод қўлини кўксига қўйиб, нималардир деб кетди. Менинг эса ундан ҳафсалам пир бўлди. Чунки у ҳар доим "Мен эрингдан қўрқмайман, уни бир уришда йиқитаман",- деб оғиз кўпиртирарди. Лекин ҳозир эса, у мен учун ҳеч нарса қилолмади...

Биз йўл бўйи гаплашмай кетдик. Бир кафенинг яқинига борганда Рашид акам машинани тўхтатди ва: "Менинг қорним жуда очди, сизники ҳам очгандир. Овқатланиб оламиз", - деди. Стол атрофида ўтирарканмиз на менинг, на унинг томоғидан овқат ўтмасди.

- Бояги йигит Дилмуродми?- деб сўради ниҳоят.

- Ҳа.

- Нега келган экан?

- Билмадим...

- Гулҳаё, наҳотки мен сизнинг юрагингизда озгина бўлса ҳам, ўзимга нисбатан меҳр уйғота олмадим? Наҳот шунча вақтдан буён шу уйга кўниколмадингиз? Агар ҳозир менинг ўрнимда бошқа йигит бўлганда, сизни нима қиларди? Шу ҳақда ўйлаб кўрдингизми? Мен сизнинг ҳамма қилиқларингизга, ҳамма шартларингизга кўндим. Сиз бўлса барига тупурдингиз. Бундан ортиқ яна қандай бўлиши мумкин, ахир айтинг? Ё мен бахтли бўлишга ҳақли эмасманми? Менга ҳозир қанчалик қийинлигини сиз ақалли тасаввур қиласизми? Ҳар куни ўзинг севган одаминг билан ёнма-ён яшаб, унга қўл теккизмай юриш қанчалик қийин... Сизнинг парвойингизга ҳам келмайди. Сиз менинг юзимга эмас, юрагимга тупурдингиз, Гулҳаё, - деб Рашид акам ўрнидан туриб ташқарига чиқиб кетди. Биз уйга келдик. Шунда ётишдан олдин Рашид акам: «Мен эрта тонгда иш билан сафарга кетаман. Сизнинг вақтингиз ҳам ўтиб қолди. Агар кетгингиз келса, акамга айтсангиз олиб бориб қўядилар. Қолсангиз мени кутинг. Келганимдан сўнг уйларингизга ўзим олиб бориб қўяман»,-дедилар. Мен эрталаб барвақтроқ туриб унинг кийимларини жойламоқчи бўлиб қарасам, ҳамма нарсаларни аллақачон тайёрлаб қўйган экан. Мен ўз қилмишларимдан жуда пушаймон бўлиб кетдим. Рашид акам кетаётганида мен билан хайрлаша туриб: "Гулҳаё, бугун туғилган кунингиз экан. Сизни чин юрагимдан табриклайман. Совғаларим сизга ёқади, деган умиддаман.

**(Давоми саккизинчи бетда)**

# ОНАНГГА ВА ЯНА ОНАНГГА ЯХШИЛИК ҚИЛ...

Миролимнинг хотини саккизинчи фарзандни туғди-ю, икки-уч кун иситмалаб оламдан ўтди. Сал олдинроқ эса Миролимнинг онаси кўзи кўрмай, қулоғи ҳам оғирлашиб бир жойда ўтириб қолганди.

Кунларнинг бирида онаси Миролимни ёнига чақириб, шундай маслаҳат солди:

- Маҳалла оқсоқолини бошлаб келсанг, битта маслаҳатли гап бор эди, болам.

Миролим онасининг бир гапини икки қилмай маҳалла оқсоқолини бошлаб келди. Абдурауф тоға маҳаллага яқинда оқсоқол қилиб сайланган, иш бошлаганига уч-тўрт кун бўлганди, холос.

- Абдурауф акам келдилар, - деди Миролим баланд овозда.

- Яхшимисан, Абдурауф болам?

- Ассалому алайкум! Ўзингиз қалайсиз, хола?

- Худога шукр! Ерни бетида турибмизу, болам. Сени борингда битта маслаҳатли гапни айтмоқчи эдим.

- Бемалол айтаверинг, хола. Аввало сиздан хабар ололмаганимга узр сўрайман.

- Баракалла бўтам! Миролимга жуда увол бўлиб кетди. Бу ёқда саккиз бола. Бу ёқда мен ҳам дардисар бўлиб қолдим. Маслаҳатим шуки, мени қариялар уйига элтиб қўйсанглар. У ерда шароит жуда яхши эмиш. Миролимимдан минг марта розиман. Маҳаллада бирон ноўрин гап чиққундай бўлса, ўзинг гувоҳ бўлиб қўйгин деб сени чақиртирдим.

- Унақа деманг, хола. Миролим сизни у ерга олиб бориб қўядиган йигитлардан эмас. Сиз уйда давлат бўлиб турибсиз. Унақа десангиз, Миролимни хафа қиласиз.

- Ҳеч бўлмаса кўзим кўриб турганида ҳам бошқа гап эди. Мени икки йилдан буён елкалаб ташқарига олиб чиқаяпти. Болам бечорани елкалари шилиниб кетди. Берган оқ сутимга минг марта розиман!

Маҳалла оқсоқоли Миролимга ўгирилди.

- Ўзинг нима дейсан?

- Онамиз нима десалар, шу, - жавоб қилди у. - Мен бориб қариялар уйининг бошлиғи билан гаплашиб келай бўлмаса.

- Шундай қил ўғлим. Иложи бўлса бугуноқ олиб бориб қўй. Ўша жойда ҳам сени дуо қилиб тураман.

Маҳалла оқсоқоли ҳайрон бўлди. Ташқарига чиқишганда Миролим шундай деди:

*Қиссадан - ҳисса*

- Менинг гапимга ҳайрон бўлманг. Уйда битта бузоқ қолди, холос. Шуни сотиб, онамизнинг кўзини даволатай десам, ҳеч рози бўлмадилар. Қизингнинг бўйи етиб қолди. Бузоқни тўйга сарфлайсан. Мен кексайиб қолдим. Бир йиллигим борми-йўқми деб туриб олдилар. Эртага бузоқни сотиб, онамизни касалхонага жойлайман.

Миролим онасини қариялар уйига олиб кетаяпман деб, тўғри кўз касалликлари шифохонасига олиб борди. Касалхонада даволовчи врачни ҳам огоҳлантириб қўйди. Ўша куни онаси билан хайрлашаётиб, шундай деди:

- Қариялар уйида кўзни бепул даволашар экан. Ўзим ҳар куни келиб тураман.

Бир ҳафтадан кейин онанинг кўзини операция қилишди. Шундан сўнг унинг иккала кўзини қора мато билан боғлаб қўйишиб ўн беш кунгача ечишмади. Ўн олтинчи кун деганда матони ечишди. Онанинг кўзлари яна ёруғ дунёни кўра бошлади. У кўзини очиб, биринчи бўлиб Миролимни кўрди.

- Болам, - деди у қучоғини очиб. - Сени кўраяпман! Мени бу ерга олиб келиб қўйганингдан буён ўзинг ҳам шу ердан жилмадинг. Менинг орқамдан кўчиб келиб олдингми, дейман болам?

- Сиз қаерда бўлсангиз, биз ҳам шу ердамиз-да, онажон.

Миролим онасини уйга олиб келиб, машинадан суяб тушираётганда, катта қизи Нигора югуриб келиб бувисини бағрига босди.

Сўнг дадасига ўгирилди.

- Суюнчи беринг дада. Бугун хурсандчилик кун экан. Бувимнинг пенсия пулига қўшиб берган лотореяга машина ютдик.

Ўша кундан эътиборан Миролимнинг ҳовлисига омад тез-тез мўралайдиган бўлиб қолди. Кузги экkan сабзиси шундоқ ҳам барқ уриб ўсдики, уйининг айвони сабзига тўлиб кетди. Дўстларининг маслаҳати билан муз ўра қилиб, баҳорга сабзи сақлаган эди, кўтарасига сотиб, пулига болали сигир олди. Онасининг ҳам қулоғи эшитадиган, оёғи босадиган бўлиб қолди.

Миролим ҳар йили тўй қилади. Мана, онаси билан тўрт қизни чиқариб, уч ўғлини уйлашди. Кенжатойи Равшаной бу йил мактабни битирди.

Миролим камтарлик қилиб ҳеч кимга индамайди. Аммо онаси ўғлининг меҳр-оқибатини ҳаммага айтишдан ҳеч эринмайди. Балким, шундай қилгани ҳам маъқулдир. Сабаби, ҳаётда оналарга қилган яхшилик ҳеч қачон бекорга кетмас экан.

**К. НИШОНОВ**

## Раъно АВАЗОВА: ШУНДАЙ АСАР ЁЗСАМКИ...



Мен мактабда ўқиб юрган вақтларимдаёқ шеъриятга, адабиётга қизиқардим. Шеърлар машқ қилиб ўзимизнинг олдинги "Меҳнат байроғи", ҳозирги "Ғаллаорол овози" газетасига юборардим. Менинг газетада босилган биринчи шеърим шундай бошланарди. "Юракнинг уриши тириклик эмас..." Кейинчалик мақола ва ҳикояларни ҳам ёза бошладим. 1984 йил мактабни тугатгач, ТошДУнинг журналистика факультетига ҳужжат топширдим, афсуски, уч йил ҳам ўқишга кириш насиб қилмади. 1986 йил университет қошидаги тайёрлов курсига ҳужжат топширдим. Адабиётдан имтиҳонга кирдим. 3 йилдан бери адабиётни ёд олиб бўлгандим. Аммо битта савол мени ўқишдан "йиқитди". 40-45 ёшлардаги бошараси совуққина, ё менга шундай туюлганми, ўша домла аёл ҳали ҳам кўз олдимда. Унинг ҳамма саволига жавоб бердим. Домланинг охирги — "Ҳамид Олимжон роман ёзганми",- деган қўшимча саволига "йўқ", деб жавоб бердим. "Ёзган,-деди домла. "Муқанна", деган роман ёзган». "Муқанна" драматик поэма, уни шоир тугатолмаган",-дедим мен. "Мунча ўжар, бетгачопар бўлманг. "Муқанна" роман",-домла яна ғазаб билан менга қаради. Нима бўлса бўлар дедим-да, "Йўқ, драматик поэма",-дедим. "Шу гапингиз учун", деди-ю домла менинг ширин орзуларимга нуқта қўйди. Ҳақиқат йўқ экан деб, кейин бутунлай ҳаётдан ҳам, адабиётдан ҳам совуб кетдим. 1987 йили турмушга чиқдим. Тўғрисини айтсам, кимга турмушга чиқишимнинг ҳам менга қизиғи йўқ эди. Шунинг учун ота-онам танлаган йигитга тегиб кетавердим. Худога минг қатла шукр, умр йўлдошим яхши одам. Ҳозир 4 та фарзандимиз бор. Деҳқончилик билан шуғулланамиз, етиштирган маҳсулотларимизни бозорга олиб чиқиб сотамиз. Лекин адабиётга - ижодга меҳр-муҳаббат юрагимни, вужудимни сира тарк этгани йўқ. Шу боисданми бундан уч йил олдин хаёлимга "Бир асар ёзишга уриниб кўрсамчи", деган фикр келди ва иккита дафтарни тўлдирдим. Уни ёзиб бўлгунча ҳар куни Худога илтижо қилардим. "Эй, Худо ўзинг мадад бер, мен шундай бир нарса ёзайки, лоақал биттагина адашган банданг уни ўқиб оиласига қайтсин". «Ёшликда берган кўнгил»ни ҳаяжону ҳадик, умид билан севимли газетамизга йўлладим. Мана, уни ўқиб ҳам чиқдингиз. Азиз юртдошларим. Энди эса яна ҳаяжону ҳадик билан фикр-мулоҳазаларингизни кутаман. Ҳозир яна бир асарни бошлаб қўйганман. Худо қувват берса, ёзиб тугатсам, албатта биринчи ўқувчиси сизлар — "Оила ва жамият" мухлислари бўласизлар. Армоним — журналист бўлиш. Орзуим эса шундай бир асар ёзсамки, уни ўқиб адашган одамларнинг лоақал бирортаси фариштага айланса...

**Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани, «Наврўз» қишлоғи**

## ЁШЛИКДА БЕРГАН КЎНГИЛ



- Шундай кунларда сенга ёрдам бермасам нима қилиб юрибман, - деб ўйлади Мансур унга қараб қўяркан.

Анчагина пул йиғиб олишгач, "Борига барака", деб шаҳарга йўл олишди.

- Уйини биласанми? - сўради Мансур.

- Йўқ, Лобар биларди...

- Қўй ўша Лобарингни. Ўзимиз излаб топамиз.

- Қайси бир қишлоқни излаймиз, жўра. Мен ахмоқ Лобар: "Уйига борманг", - деб қўрқитса, бормаганман. Аслида ўшанда хабар олишим керак эди.

- Уни даволаган врачдан сўрасак-чи?! Мансур калласига келган фикрдан қувониб кетди.

Улар шундай қилишди. Икки дўст, болани даволаган врач берган манзилни сўраб-суриштириб, кечқурун тоғ оралиғидаги бир қишлоққа кириб боришди. Қишлоқда ҳамма бир-бирини яхши танийди. Шу сабабли йўлда учраган биринчи боладан:

- Ботир деган боланинг уйи қайси, айтворолмайсанми? - деб сўрашди.

- Қайси Ботир?

- Яқинда шаҳарда даволанган?..

- Ҳа, машина уриб кетган Ботирми?

Равшаннинг юраги "шув" этиб кетди.

- Ҳа, ҳа ўша...

- Тўғри йўлдан кетаверсангиз олдиларингиздан катта тут дарахти чиқади. Кейин ўнгга юрасиз, биринчи уй.

Улар болага раҳмат айтиб, у кўрсатган уй томон юришди.

Кўк дарвозали бу уйдан одамлар кириб-чиқиб туришарди.

- Шу уймикан? - деди Равшан эти жимирлаб.

- Шунга ўхшайди, - Мансур ҳам қўрқиб кетди.

- Яхшилаб қара-чи, одамлар дўппи, чопон кийиб олишгани йўқми?

- Аниқ кўринмайди.

- Йиғи овози эшитилмаяптими, ишқилиб...

Улар нима қилсак экан деб бир-бирига тикилиб қолишди. Таваккал, "Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм", - деб бораверайлик, - Мансур йўл бошлади. Улар аста-аста юриб хонадонга кириб боришди.

- Э, келинглар, келинглар, хуш келибсизлар, - дея уларга пешвоз чиқди уй эгаси. - Онаси, қара шаҳардан меҳмонлар келиб қолишди.

Равшан улар томон шошиб келаётган бу аёлни - Ботирнинг онасини танийди.

- Ўғлингиз яхшими, уни кўришга келувдик, қани, - деди шоша-пиша Равшан, улар билан кўришаркан. Кўзлари билан атрофга бесаранжом боқарди.

- Ана-ку!- деди аёл зар чопон, дўппи кийиб олган Ботирни кўрсатиб.

- Ризқингиз бутун экан, тўйнинг устига келиб қолдингизлар. Суннат тўй қилаяпмиз, полвоним - деди онаси.

Равшан кўзларидаги ёшни яширмасдан Ботирни қучоқлаб кўтариб, бағрига қаттиқ босди. "Болажоним, болажон!" - деди юз-кўзларидан ўпаркан. Атрофдагиларнинг ҳам беихтиёр кўзлари намланди... Агар тўйинг бўлаётганини билганимда, той олиб келган бўлардим, Ботиржон".

Шу куни кечгача катта базм бўлди. Равшан ўзини яқин орада бунчалар хотиржам, бахтиёр сезмаган эди...

Тўй эгалари билан хайрлашиб, уйга қайтишаркан, йўлда Мансур:

- Пулдан қолдими, жўра? - деб сўради.

- Нима қиласан? - Равшан ҳайрон бўлди. - Қолди шекилли, - деди у ички чўнтагини ушлаб.

- Ҳозир шаҳарга кирамизда, Лобарингнинг олдига борамиз, унинг юзига пул билан урамиз, қарздан ҳам қутиласан. Кейин яна уникига йўл оладиган бўлсанг, оёғингни синдираман.

Равшан дўстига қараб кулиб қўйди. У ҳозир оиласи томон шошарди. Узоқдан эса, қишлоғининг чироқлари милтиллаб кўрина бошлади...

(Тамом)

## ХАТОИМНИ ТУШУНИБ ЕТДИМУ...

(Боши еттинчи бетда)

Майли, охирги кўришишимиздир. Сизни бир марта ўпиб кетсам, ўшанда армоним бўлмасди. Балки бу охирги мартадир», - деб мени қучоқлаб ўпиб, сўнг чиқиб кетди. Менинг юрагим жимирлаб, ғалати бўлиб кетдим. Негадир ўзимни йўқотиб қўйдим. Шу кундан бошлаб уни ҳар куни ўйлайдиган бўлиб қолдим: "Нега шундай қилдим, нега аввалроқ шу ҳолат бўлмади... Мен уни жуда соғиниб кетдим... Мана 10 кун бўлди. Мен кунларни санаб ўтказаман. Унга жуда ўрганиб қолган эканман. Мен ўз хатоларимни тушуниб етдим. Лекин энди кеч эмасмикан? Ўша куни уйга кирсам, катта саватда гуллар, тилла тақинчоқлар, жуда хушбўй духи ва устига: "Менинг энг севимли ва ҳаётим мазмуни бўлган ёрим — Гулҳаёга" деб ёзиб қўйилган чиройли зеб-зийнат қутичаси турган экан. Мен буларни кўриб беихтиёр йиғлаб юбордим...

Азиз юртдошларим! Мен хато қилганимни биламан. Лекин энди бу хатоимни тузатишга ҳаракат қилмоқчиман. Рашид акам мендан хафа бўлиб, кўнгли қолмаганмикан?.. Келишларига ҳам оз қолди. Қандай қилиб ундан кечирим сўрай. У мени кечирармикан ёки сафардан қайтгач мени уйимга олиб бориб ташлармикан...

Сизларнинг мактуб ва маслаҳатларингизга интизорман.

**ГУЛҲАЁ**

**Тошкент**

Оила ва жамият

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди.

Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриклар, эълонлар: 133-04-50

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент - 700000 Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топширилди -

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» Акционерлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - { якка обуначилар учун 176

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 3126. Формати А-3, ҳажми 2 босма тобоқ.
Баҳоси эркин нархда. Адади — 3183
Саҳифаловчи — Жаъфар ЖАББОРОВ.
Рассом — Набижон ХОЛМУРОДОВ.
Навбатчи - М. СОДИҚОВ.